



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 239 (12.300)

Баҳоси эркин нарҳда

8 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун

«ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИНИНГ ЮКСАК ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ»

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллиги муносабати билан дунёнинг турли мамлакатлари ижтимоий-сиёсий, ишбилармон ва академик доиралари вакиллари Ўзбекистонда истиқлол йилларида қўлга киритилган муваффақиятлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини юртимизнинг хорижий давлатларда фаолият кўрсатаётган дипломатия ваколатхоналарига маълум қилмоқдалар.

Жумладан, Корея Республикаси Миллий Ассамблеясининг собиқ депутати, «Шиндонг Ресорсиз» компанияси президенти Ким Ёнг Гун жорий йилда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллик байрами мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигининг 20 йиллиги санаси билан бир вақтда нишонланаётганидан мамнуният изҳор этди.

— Конституция — ҳар қандай давлатнинг асосий қонуни бўлиб, у ўзида демократиянинг инсон ҳуқуқлари муҳофазасини ҳамда мамлакатда тинчлик ва оқсоқликни таъминлашга қаратилган меъёрларни мужассамлаштиради, — деди у. — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси барча умум-қабул қилинган халқаро талабларга жавоб бергани ҳолда, унда илгор демократик давлатларнинг тажрибаси ҳам ўз ифодасини топган.

Бу эса, табиийки, республикада тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ҳамда эътиқодлараро ҳам-жиҳатликни таъминлаш, мамлакат фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатлари бирдек муҳофаза этилишига хизмат қилувчи муҳим омилдир.

Ким Ёнг Гун эътироф этганидек, Ўзбекистон халқи истиқлол йилларида эришилган муваффақиятлардан фахрланишга ҳақлидир. «Халқаро даражадаги юксак обрў-эътибор, муттасил ривожланаётган иқтисодий, мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар — буларнинг барчаси Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ҳаётга татбиқ қилинаётган оқилона сиёсат самарасидир», деди кореялик эксперт. Ким Ёнг Гуннинг фикрича, давлат тараққиётининг мустақам пойдевори бўлиши мамлакатимиз Асосий Қонуни мазкур жараёнда муҳим ўрин тутмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Фестиваллар

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон ёшлари истиқлолнинг чинакам умидлари, эртанги куннинг мустақам ишончидир. Бугун қайси соҳа бўлмасин — санъат, спорт, илм-фанда бўлажак юрт эгалари ўз иқтидори, истеъдодини муносиб намоён этмоқда. Табиийки, давлатимизнинг бу борадаги гамхўрлиги, яратиб бераётган шарт-шароит ва имкониятлари ҳар бир йигит-қизнинг орзу-мақсадларига қанот бўлмоқда.

Айниқса, вояга етмаган ёшлар билан ишлаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ўз Ватани келажаги учун жонқуяр фарзандлар этиб тарбиялаш ишларига кўплаб давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамкорлигида қатор лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда. «Истиқлол» санъат саройида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, ҳокимлик ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар Кенгаши томонидан ташкил этилган фестивал ана шу интилишларни ўз доирасида бир-лаштирди.

Жорий йил май ойидан мамлакатимизнинг барча ҳудудидида «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ўтказилган анъанавий ёшлар фестиваллари йигит-қизларнинг мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган демократик ислохотлардаги иштирокини кенгайтириш, уларнинг истеъдод ва қобилиятини рўйбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, фаол ҳамда ташаббускор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудидида бўлганидек, шаҳримизда ҳам ана шу мақсадга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, пойтахтимизда яқинда «Камолот» тарғибот ойлги низоҳосига етди. Тадбир давомида ёшларнинг фаоллиги, билим ва қобилиятини оширишга қаратилган маданий-маърифий тадбирлар, спорт беллашувлари ва бошқа акциялар ўтказилди. «Истиқлол» санъат саройида пойтахт-имиз ёшлари иштирокида ўтган фестивал тарғибот ойлгининг якуний тадбири бўлди.

Отабек ОТАЕВОВ

XXI саҳоси

МАМЛАКАТИМИЗДА

Жиззах вилоятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йигирма йиллиги муносабати билан «Ватан тараққиётига менинг ҳиссам» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль иштирокчилари Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлимида ташкил этилган ёш тадбиркор, фермерлар, хунармандларнинг маҳсулотлари, изланувчан ёшларнинг ижодий ишланмалари ҳамда эришган ютуқларини акс эттирувчи кўргазма билан танишди.

Навоий шаҳрида Зулфия номидаги Давлат мукофотиға номзод қизлар ўртасида ўтказилаётган республика кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Танловда олти миш нафардан зиёд иқтидорли қизлар фан, таълим, адабиёт, санъат ва маданият йўналишларида ўз истеъдод ва маҳоратини намойиш этди.

Самарқанд шаҳрида анъанавий «Йил аёли» миллий танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. «Аёллар кенгаши» Республика жамоат бирлашмаси ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур танлов уй-рўзгор юмушлари ва фарзандлар тарбияси билан бир қаторда жамият ҳаётида фаол иштирок этаётган, тажриба, билим ва маҳорати билан бошқаларга намуна бўлаётган опа-сингилларимизни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Сурхондарё вилояти Қизирик туманида замонавий деҳқон бозори фойдаланишга топширилди. Бу ерда гўшт, суг, балиқ маҳсулотлари павильонлари қурилди. Озиқ-овқат, курук мева, иссиқ нон, хунармандчилик буюмлари дўконлари бунёд этилди. Янги расталарда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш учун барча қулайликлар яратилди.

ЖАҲОНДА

АҚШга бундан бир ой олдин хуруж қилган «Сэнди» бўронидан сўнг, мамлакатдаги 30 мингдан ортиқ уй-жойлар ҳамон электр қувватисиз қолмоқда. Фақат Нью-Йорк шаҳри ва унинг атрофида 6 мингга яқин хусусий уй ва 800та кўп хонадонли мажмуалар иссиқлик тармоғидан узилган бўлиб, ушбу хонадонларда яшовчилар фақат газ плитаси ёрдамида исинмоқдалар.

Қурғоқчилик натижасида Зимбабвенинг йирик боғидаги 190га яқин филлар ҳалок бўлди. Сув етишмовчилиги натижасида ҳаётдан кўз юмаётган филларнинг сони тобора ортиб бормоқда.

Шимоллий Корея илмий-тадқиқот ишларини бажарувчи сунъий йўлдошга эга ракетани «Соҳэ» космодромига ўрнатди ва унинг парвозини 10-22 декабрь кунлари ичида амалга оширишни режалаштирди. Жаҳон ҳамжамияти ХҚДРнинг космик дастури баллистик ракеталар синовидан иборат бўлиши мумкинлигини таъкидлади.

Бразилияда машҳур меъмор, мамлакатдаги жуда кўп замонавий иншоотларнинг қад ростлашида ўз ҳиссасини қўшган Оскар Нимейернинг вафоти муносабати билан бир ҳафталик мотам эълон қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎНИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2012 йил 6 декабрь кунин Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисининг ўзининг давом эттирди.

Сенаторлар ялпи мажлисининг иккинчи кунини Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджетини кўриб чиқишдан бошлади. Мамлакатнинг бош молиявий хужжати макроиқтисодий мувозанатни ҳамда мамлакат иқтисодиёти юқори суръатларда ўсишини таъминлашга, диверсификация қилинган ва рақобатбардош иқтисодий шакллантиришга, мамлакат аҳолисининг фаровонлигини ва турмуш даражасини янада оширишга қаратилганлиги қайд этилди. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджети Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлан-

тириш концепциясида кўйилган вазифаларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримов томонидан мамлакат ҳукуматининг 2012 йил 19 январьдаги мажлисида белгилаб берилган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг асосий устувор йўналишлари амалга оширилишини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган.

Сенаторлар ўтган йиллардаги каби, 2013 йилда ҳам солиқ сиёсати хўжалик юритувчи субъектларга ва аҳоли даромадларига тушадиغان солиқ юқини янада қамайтиришга, солиқ солиш тизимини соддалаштириш, солиқ маъмуриятчилиги чораларини кучайтириш, солиқ солиш объектларини қамайтириб кўрсатиш ва яшириш ҳолларига чек қўйиш йўли билан мамлакат иқтисодиётини янада модернизацциялаш ва янгилаш учун қулай шароитлар

яратишга йўналтирилишини кўрсатиб ўтдилар.

Аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш мақсадида келгуси йилда жисмоний шахслардан олинадиغان даромад солиғининг энг кам ставкаси бир фоиз бандига қамайтирилади, бу эса солиқ тўловчиларнинг ҳар қайси гуруҳидан олинадиغان солиқнинг қисқаришини таъминлайди. Натижада жисмоний шахслар иштирокида қўшимча равишда 186 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ қолади.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахсларга тушадиغان солиқ юқини қамайтириш учун йил бошидаги энг кам иш ҳақидан (энг кам иш ҳақи йил давомида ўзгаришидан қатъий назар) келиб чиққан ҳолда энг кам иш ҳақининг каррали миқдорларидида ҳисобланадиغان қатъий солиқ ставкаси белгиламоқда.

(Давоми 2-бетда)

келадиган фавқуллода вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) кўникмаларини шакллантиришга қаратилган учрашув бўлиб ўтди.

КЕЧА «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмазор туман

бўлими ташаббуси билан тумандаги 46-сонли умумтаълим мактабидида «Камолот» етакчилари учун «Фаолиятни намунали ташкил этиш» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.

ҚИСКА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

БУГУН Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги академик лицейида «Конституция

— Асосий Қомусимиз» мавзусида билимлар марафони ўтказилди.

ХАФТАЛИК ЭЛЕКТРА СПУЛ

Ўзбекистон

5.55 Ўзбекистон дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Икки дуст». М/с. 7.20 «Ифтихор».

Россия

15.10 «Янги Шерлок Холмс». Т/с. 16.00 «Давр». 16.10 «Индаба». Т/с.

Спорт

6.00 «Хайрли тонг!» 6.05 АНОНС. 6.10 «Саломат бўлинг!»

Ўзбекистон

5.55 Ўзбекистон дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Икки дуст». М/с.

Россия

11.15 Контрольная закупка 11.40 «Время обеда!» 12.15 «Дешевое и сердито»

Ўзбекистон

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Икки дуст». М/с. 7.20 «Ифтихор».

Спорт

6.00 «Хайрли тонг!» 6.05 АНОНС. 6.10 «Саломат бўлинг!»

Ўзбекистон

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Икки дуст». М/с. 7.20 «Ифтихор».

Россия

14.30 «Доброго здоровья!» 15.20 «Сериал «Убойная сила»

ДУШАНБА, 10

ЧОРШАНБА, 12

9.40 «Ибрат». 10.10 «Кунгил қўшиқ истаиди». 10.20 «Мохир кўлар».

8.50 «Эгизаклар». Т/с. 37-қисм. 9.15 «Интеллектуал аукцион».

Ўзбекистон

5.55 Ўзбекистон дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Икки дуст». М/с.

Россия

08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости 09.05 «Жит здорово!»

Ўзбекистон

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Икки дуст». М/с. 7.20 «Ифтихор».

Ўзбекистон

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Икки дуст». М/с. 7.20 «Ифтихор».

Россия

13.00 «Другие новости» 13.25 «Понять. Простить»

СЕШАНБА, 11

ПАЙШАНБА, 13

12.10 «Шамоллар мамлакатини». Т/с. 13.00 «Давр».

8.45 «Анонс». 8.50 «Эгизаклар». Т/с. 38-қисм. 9.20 «Интеллектуал аукцион».

Россия

12.00 «Другие новости» 12.25 «Понять. Простить»

